



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 24 март, № 57 (4972)

Чоршанба

НАВРЎЗИ ОЛАМНИНГ ҚУТЛУҒ ҚАДАМИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Азиз дўстлар, мухтарам меҳмонлар! Биз орзиқиб кутадиغان, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи — Наврўзи олам қутлуғ қадами билан ўлкамизга кириб келмоқда.

Мана шу улуг айём билан сиз азизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтироимим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли юртдошлар!

Наврўз барчамиз учун азал-азалдан, аввало, табиат уйғониши, шарқона янги йил деб очаси, маънавиятимизнинг узвий қисмига айланиб кетган энг қадимий, асл миллий байрам сифатида азиз ва мўтабардир.

Ҳақиқатан ҳам, бу дилбар фаслда офтоб чарақлаб, еру кўкни қиздириши билан биз ҳам ўзимизни худдики янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз, юракларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда янги куч-ғайрат жўш ургандек бўлади.

Айни шу мунаввар кунларда инсон табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида Наврўз қувончини ўз яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам қириши интилади.

Айни шу гўзал паллада бетакрор Ватанимизнинг барча гўшаларида — Фарғона водийсидан Сурхон тоғларигача, Қорақалпоқ дёридан Самарқанд боғларигача, Тошкент воҳасининг ям-яшил қир-адирларигача — халқимиз, кексаю ёш юртдошларимиз табиат билан уйғун бўлиб, сайил-томошалар ўтказиб, Наврўзни катта хурсандчилик билан қутиб олмақда.

Саховатли заманимизда яшайдиган барча-барча инсонлар, қайси миллат, қайси элат вакили бўлишидан қатъи назар, бу ажойиб байрамни ягона оила бўлиб, шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Айни шу дамларда халқимизга мансуб бўлган бағрикенглик ва меҳрибонлик, кексаларнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силлаш, мухтож ва кўнгли ярим одамларга беминнат ёрдам бериш каби юксак фазилатлар яна ва яна бир бор ўзининг тасдиғини топмоқда.

Бу буюк ва бетакрор айёмнинг яна бир ноёб хислати шундаки, баҳор келиши, гул-чечаклар очилиши билан ҳар қайси инсон ўз оила аъзолари, қадрдонларини бағрига босиб, нафақат таниш, балки нотаниш одамларни ҳам қутлаб, соғлиқ-

омонлик, бахт ва омад тилайди, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, аҳиллик тобора мустаҳкамланиб боришини, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Неча минг йиллик тарихдан маълумки, Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва муруват, ҳамжихатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.

Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу айёмни Халқаро Наврўз кунини деб тан олгани, албатта, бежиз эмас ва бу барчамизга катта гурур ва ифтихор бағишлайди.

Қадрли дўстлар! Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанада иштирок этаётган, бизга яхши ният ва хайрихоҳлик билан қарайдиган, мамлакатимиз тараққиёти учун катта кўмак бераётган хорижий давлатларнинг мухтарам элчиларига, чет эл ваколатхоналари вакилларига, узоқ-яқиндаги дўсту ҳамкорларимизга самимий миннатдорчилик билдириб, уларни чин дилдан қутлашга рухсат этгайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Кўламнинг беғубор нафаси уфуриб турган, деҳқонларимиз янги орзу-умидлар билан ерга уруғ қадаётган шу қутлуғ паллада барчангизни бағримга босиб, Наврўз байрамини билан яна бир бор муборакбод этаман.

Шу гўзал майдонга файз бериб ўтирган мухтарам фахрийларимизга, мунис опа-сингилларимизга, чехрасида хуш кайфият, куч-ғайрат порлаб турган ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий тилакларимни билдиришдан бахтиёрман!

Илоҳим, мана шундай хурсандчилик билан бошланаётган Янги йилимиз Ватанимизга тинчлик, бахту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин.

Деҳқонларимизнинг омадини берсин!

Ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз айёмининг асосий тантаналари катта кўтаринкилик билан ўтди.

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос анъаналари, шодиёналари мавжуд. Лекин бизнинг Наврўзимиз бошқача. Зеро, у азалий урф-одатларимиз, қадриятларимизни ўзида мужассам этган. Шу маънода, Наврўзи олам биз учун ниҳоятда қадрлидир. Мустабид тузум ҳукмронлиги давридаёқ Ислам Каримов жасорати билан Наврўзнинг тикланиши халқимиз маънавий ҳаётида рўй берган мислсиз ўзгаришларнинг деб очаси эди. Истиқлолдек беназир неъмат туфайли маънавий сарчашмаларимиз қатори Наврўзни ҳам катта хурсандчилик ила тантана қилаётганимиз, шак-шубҳасиз, ана шундай азму шижоат самарасидир.



Халқимиз бу байрамни азал-азалдан ўзгача интиқлик билан қутган, соғинган. Қир-адирларда, боғ-роғларда, қишлоғу кентларда шоду хуррамлик ила Наврўзга муносиб пешвоз чиқишга интилишган. Кун ва туннинг тенг келиши биланоқ бободехқонларимиз экин-тикин ишларини бошлаб юборишган. Хайру саховат, бағрикенглик, бири-бирига яхшилик қилиш каби халқимизга хос хислатлар бу айём чоғида янада яққолроқ намоён бўлган. Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига таъкидланганидек: "Барчамиз доимо орзиқиб кутадиغان ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрамини биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда".

Бугун эл-улус қалбида бунёдкорлик кайфияти барқарор. Шу боис жойларда ободончилик-қўқаламзорлаштириш юмушлари авжида. Беморлар ҳолидан хабар олиш, мухтож одамга кўмак бериш ўзбекона хислат саналади. Ана шу фазилатлар боис бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида, энг чекка қишлоқларда ҳам Наврўз кўтаринкилик билан нишонланмоқда. Байрам шуқуҳи аллақачон одамлар қалбига, шoir илҳомига, ҳофиз қўшиғига кўчиб улғурмоқда.

Пойтахтимизнинг барча марказий майдонлари ва хиёбонларида ҳам яшариш ва янгиланиш айёми катта шодиёна ва кўтаринки руҳда ўтмоқда.

23 март. Алишер Навоий но-

мидаги Ўзбекистон миллий боғи Наврўзга хос тарзда кўркамлик касб этган. Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва тадбиркорлар, отахону онахонлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюришган. Миллий боғ йўлақлари бўйлаб турли қандолат, ноз-неъматлар, миллий хунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Сумалак, ҳалим, кўксомса сингари турфа тансиқ таомларни кўриб, шу кунларга етказганига беихтиёр шукроналар айтасан, киши.

Мухташам безатилган саҳнанинг орқа фондида Ўзбекистонимизнинг мафтункор, гўзал табиати, лозлорлар, яшнаган чаманзорлар жамоли, турфа безаклар, ранг-баранг пуфаклар, ленталар акс этганини кўриб, осмони мусаффо, замини ҳосилдор, суви тоза шундай гўзал юрда яшаётганини билан фахрланасан...

Соат 11:00. Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти Ислам Каримов ташриф буюради. Йигилганлар давлатимиз раҳбарини гулдурос қарсақлар билан қутиб олишади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилади. Давлатимиз раҳбари халқимизни қутлуғ айём — Наврўз билан табриклайди. Юртбошимиз ўз табригида халқимиз орзиқиб кутадиغان, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи — Наврўзи олам ўлкамизга қутлуғ қадами билан кириб келганини таъкидлади.

Майдонда карнай-сурнай садоси янграйди. Байрам тантаналари бошланади.

Истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, маънавий қадриятларимизга эътибор, келажак ворислари учун яратилаётган шарт-шароит ва гамхўрлик, аҳоли саломатлигини асраш борасидаги туб бурилиш — буларнинг барчаси МУСТАҚИЛЛИК шарофатидандир. Зеро, халқимиз истиқлолнинг мазмун-моҳиятини англаб етди, Ватан равнақиға ўз ҳиссасини қўшишга интилиш фуқароларимизнинг эътиқодий бурчиға айланди. Наврўз байрамининг бугунги жозибаси ва шу-

қуҳи ҳам, шак-шубҳасиз, истиқлол туфайлидир.

Президентимизнинг 2010 йилни Баркамол авлод йили деб аташлари юртимизда келажак ворислари юксак эътиборда эканлигини яна бир бор исботлади. Бу навқирон авлод учун беқиёс гамхўрлик демакдир. Бугун жойларда ёшлар учун замонавий тураржой бинолари барпо этилапти, янги иш ўринлари яратилапти. Ёш оилалар учун уй-жой сотиб олиш ва қуриш, бизнес бошлаш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, ташкилот-муассасаларга малакали ёш кадрларни кўпроқ жалб этиш — бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор тамойилларидандир. Зотан, буюк келажакни соғлом, ватанпарвар, фидойи авлод қуришга қодир экан, давлатимиз раҳбарининг ёшларга кўрсатаётган гамхўрлиги замирида уларни ҳар жиҳатдан баркамол қўришдек олижаноб мақсад мужассам. Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ҳар томонлама етуқ фарзандларни тарбиялаш йўлидаги муҳим дастуриламалдир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиғига бағишланган тантанали мажлисдаги маърузасида биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтадиган бўлсак, келажакимизнинг мустақам пойдевориға айланиб бораётган таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиқганимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда, деб таъкидлади.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Шу муносабат билан ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, хусусан, давлат таълим стандартларини амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар талабларига мувофиқ аниқ мақсадни кўзлаб янгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилиб, 23 март кунини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғида ўтказилган "Давлат таълим стандартларини такомил-

лаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусидаги конференцияда мана шу ва бошқа муҳим масалалар устида сўз юритилди.

Конференцияда муста-

Ислохот

қиллик йилларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш доирасида амалга оширилаётган ислохот таълимни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш имконини берганлиги кўрсатиб ўтилди.

1998 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим

стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида"ги қарорнинг қабул қилиниши бу йўналишдаги муҳим босқич бўлди. Қабул қилинган қарорнинг мақсади таълим мазмунини тубдан ислох қилиш, тайёрланаётган кадрларнинг сифати мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар талабларига, шунингдек, таълим, фан, техника ва технологияларнинг дунёдаги илғор ривожланиш даражасига мос бўлишини таъминлашдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 23 март кунини Ўзбекистон ва Уммон ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Уммон Султонлиги Савдо ва саноат вазирлиги ташкил этган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш, ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига бағишланди. Форумда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, sanoat, нефть-газ, молия, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология, озиқ-овқат, кимё sanoati, фармацевтика, мебелсозлик, ахборот технологиялари, сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок

Анжуман

этиди. Анжуманда Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг биринчи ўринбосари Н. Наҳимов мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йил октябрда Уммонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқди, ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди.

(Давоми 2-бетда).



Самарқанддаги «SINO» очик акциядорлик жамияти

мамлакатимиз аҳлини баҳор

байрами — НАВРЎЗИ АЙЁМ билан

муборакбод этади!

Эзгулик, омад, бахт

ҳаммамизга ёр бўлсин.

Мустақил Ўзбекистонимиз

ҳамиша гуллаб-

яшнайверсин!



Ўзбекистон Республикаси
халқ усталари, хунармандлари,
мусаввирлари



«Хунарманд»
уюшмаси

сиз, азиз
юртдошларимизни


Наврўзи олам

байрами билан
муборакбод этади.

Барчага мустаҳкам соғлиқ,
эзгу орзуларининг рўёбга чиқиши
ва ишларига омад тилайди.

Ушбу қутлуғ айём халқимизга
хушқайфият, битмас-туганмас
қувонч бағишласин.

Баҳорий кайфият қалбингизни
йил бўйи тарк этмасин.



O'ZSANOATQURILISHBANK

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ОАТБ

барча юртдошларимизни НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий табриклайди!

Ушбу шодиёна кунларда «Ўзсаноатқурилишбанк» 2010 йил 16 мартда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган
«НАВРЎЗ ТУҲФАСИ»

ютуқли омонати бўйича 2-ютуқ тиражининг расмий жадвалини эълон қилади.

Ютуқлар куйидаги ҳисобварақ рақамларига чиқди.

Т/р	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб- варақ рақами	Т/р	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб- варақ рақами	Т/р	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб- варақ рақами	Т/р	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб- варақ рақами	Т/р	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб- варақ рақами	Т/р	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб- варақ рақами			
1	20	8	23	20	120	45	20	300	67	35	443	89	30	554	111	25	678	133	15	830
2	50	10	24	50	132	46	20	302	68	40	451	90	45	564	112	25	681	134	20	840
3	45	11	25	15	139	47	50	307	69	15	456	91	15	569	113	45	682	135	45	851
4	15	18	26	25	140	48	20	308	70	45	461	92	15	575	114	35	694	136	50	871
5	30	20	27	45	149	49	50	322	71	15	463	93	25	581	115	15	698	137	20	882
6	15	24	28	30	157	50	30	337	72	50	467	94	15	596	116	20	707	138	30	886
7	15	25	29	50	159	51	20	348	73	40	468	95	35	604	117	25	714	139	25	899
8	30	30	30	25	161	52	15	357	74	30	470	96	45	611	118	30	720	140	35	901
9	40	40	31	30	171	53	20	360	75	40	471	97	35	615	119	25	722	141	40	909
10	40	43	32	20	183	54	25	366	76	30	474	98	50	617	120	25	724	142	20	922
11	25	49	33	40	218	55	20	370	77	40	480	99	45	620	121	20	727	143	25	927
12	35	60	34	35	219	56	25	381	78	20	490	100	30	626	122	20	735	144	15	931
13	20	65	35	40	229	57	20	383	79	15	493	101	40	632	123	15	736	145	15	947
14	20	66	36	25	231	58	15	385	80	20	496	102	40	633	124	15	743	146	25	948
15	15	81	37	20	235	59	15	391	81	30	500	103	25	650	125	35	754	147	20	961
16	35	84	38	15	251	60	20	394	82	30	505	104	40	653	126	30	757	148	20	981
17	20	89	39	35	255	61	35	397	83	30	526	105	20	655	127	20	760	149	15	995
18	40	98	40	15	258	62	15	404	84	25	531	106	20	661	128	20	780	150	15	997
19	50	105	41	30	267	63	35	410	85	15	537	107	25	663	129	15	788			
20	20	111	42	35	271	64	30	414	86	50	541	108	40	664	130	35	796			
21	45	113	43	40	282	65	15	415	87	15	545	109	35	670	131	30	801			
22	25	118	44	30	296	66	30	426	88	15	550	110	25	677	132	45	823			

Изоҳ: ютуқлар ушбу жадвалда фақат биринчи мингталик ютуқлик ҳисоблар бўйича кўрсатилган. Агар ютуқли омонат бўйича ҳисобварақлар сони мингдан ошиқ бўлса, унда кейинги минглик ҳисобварақларида ҳам худди шу сонлар ютуқли ҳисобланади, худди биринчи мингталикдагидек.
Мисол учун: НТ-8, НТ-1008, НТ-2008, НТ-3008 ва ҳоказо.
Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ филиаллари унинг ёрдамида ютуқлар миқдорини ҳисоблаб чиқаради ва белгиланган тартибда ютуқ эгаларига тўлайди.

Ҳайъат раиси — «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ бошқарув раисининг ўринбосари
Масъул котиб — Пул муомаласи департаментининг жамғарма операциялар ва пул ўтказмалари бошқармаси бошлигининг ўринбосари

М. МИРЗАБАЕВ
У. ЖЎРАЕВ

ВАҚТ ДАВОМИДА СИНАЛГАН ИШОНЧ!

www.uzpsb.uz

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида ўзбекистонлик биринчи гроссмейстер Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган "Тошкент оупен" IV халқаро шахмат турнири бошланди.

ШАХМАТ УСТАЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Шахмат федерацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган, мукофот жамғармаси 20 минг АҚШ долларига тенг бўлган аънавий мусобақада мезбонлардан ташқари, Россия, Қозғистон, Грузия, Беларусь, Украина, Нидерландия, Исроил, Озарбойжон, Индонезия, Қирғизистон, Тожикистон каби ўндан ортиқ мамлакатдан келган 130 нафарга яқин "ақл гимнастикаси" усталари донна сурмоқда. Мусобақада Сайидали Йўлдошев, Марат Жумаев, Антон Филиппов, Жўрабек Хамроқулов, Юлдуз Хамроқулова, Нафиса Мўминова, Сарвиноз Қурбонбоева сингари тажрибали шахматчиларимиз билан бир қаторда, бир неча иқтидорли ёшларимиз ҳам иштирок этиди.

тимизда ўзига хос шахмат мактаби шаклланди. Вакилларимиз турли нуфузли халқаро турнирларда доимий равишда совриндорлар сафидан жой олишмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон терма жамоаси халқаро мусобақалардаги дастлабки катта ютуғига 1992 йилда эришган. Ўша йили Филиппин пойтахти Манилага ўтказилган Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида терма жамоамиз аъзолари юздан ортиқ мамлакат шахматчилари орасида умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, спортнинг мазкур тури бўйича ҳам ҳеч қимдан кам эмасликларини амалда намойиш этишган эди.

Орадан ўн икки йил ўтиб, яъни 2004 йили Ливия пойтахти Триполи шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов тажрибали рақиблари устидан зафар кўчиб, жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Халқаро турнир 31 мартга қадар давом этади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

«Пахтакор» ғалаба қозонди

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Пахтакор» жамоаси гуруҳ bosқичининг учинчи турида Эроннинг «Сепохон» клубини қабул қилди.

Тенг курашлар остида ўтган беллашув 2:1 ҳисобида футболчиларимизнинг муҳим ғалабаси билан яқунланди. Тўпларни вакилларимиздан Артур Геворкян (48-дақ.) ва Александр Гейнрих (72-дақ.) киритди.

Афсуски, Осиё Футбол Конфедерацияси кубогига қатнашаётган «Насоф» жамоаси шу кунги Қаршида Кувайтнинг «Казма» клубига 1:2 ҳисобида имкониятни бой берди.

Наврўз — янги кун, янги йил боши. Бу кунни халқимиз «сади пок» ҳам дейди. Яъни кишининг юз кунлик совуқ кунлари ортда қолди, пок-покиза кунлар бошланди, деганидир.

Дарҳақиқат, энди буёғи кўклам. Халқимиз мақолида айтилганидек, «Наврўздан сўнг киш бўлмас». Айни кун нафақат ўлкамизда, балки Ер сайёрасининг бутун шимоллий ярим шарида фасли навбахор бошланди. Сабаби, кўёш олам экваторини кесиб ўтиб, ўрнига келди.

боғлар яратиш пайдидан бўладилар. Чорвадорлар эса сурувларини адирларга ҳайдайдилар. Серкўёш ўлкамизда бу йил кўклам файзли бошланди.

учиб кетган қушлар ғаласи қайтаётир. Турна қанотлари остига қалдирғочларни олиб келди. Сайроқи қушлар шўх хонишлари билан дилларни хушнуд қилмоқда.

«Ҳамал кирди, амал кирди»

Хижрий-шамсий тақвимида кўра, йилнинг биринчи ойи — ҳамал кирди. Кўёш хут буржидан ҳамал буржи томон оғди. Кун ва тун тенг келди.

ди. Дала-даштни зумрад гилам ҳар доимгидан эрта қоплади. Бойчечак, чучмома ва қоқигуллар унга ажиб тасвирлар битаяпти. Боғларда эса бодом, ўрик кийғос гуллади. Олма, шафтоли, гилос гулғунчалари бўрта бошладилар, тут, тол ва бошқа дарактлар қуртак очмоқда. Демак, ҳадемай, бог-роғлар яшилган уруғ илдиз отиб, палак ёйди. Шу боис деҳқонлар экин-тикин ишларини ҳамал киргач бошлайдилар. Бог-бонлар ниҳол қадаш, янги

Ҳамалнинг об-ҳавоси ўзгарувчан. Қузатувларга қараганда, баъзи йиллари серёгин келса, баъзида қурғоқчил кечади. Айрим ҳолларда ҳарорат паясиб кетиши ҳам мумкин. Лекин бундан қўрқишга ҳожат йўқ. Чунки паст ҳарорат кўп давом этмайди, тезда ҳамал кўёши заминни қиздириб юборади.

Бурж

«Ҳамал кирди, амал кирди», дейди халқимиз. Бунинг маъноси шуки, ушбу ой киргач, замин, бутун борлиқ уйғонади, дов-да-рахтлар танасига сув югура бошлайди. Айни пайтда ерга суқилган чўп ҳам заминдан қувват олиб, барг ёзади, тупроқ остида қолган уруғ илдиз отиб, палак ёйди. Шу боис деҳқонлар экин-тикин ишларини ҳамал киргач бошлайдилар. Бог-бонлар ниҳол қадаш, янги

Ҳамалнинг об-ҳавоси ўзгарувчан. Қузатувларга қараганда, баъзи йиллари серёгин келса, баъзида қурғоқчил кечади. Айрим ҳолларда ҳарорат паясиб кетиши ҳам мумкин. Лекин бундан қўрқишга ҳожат йўқ. Чунки паст ҳарорат кўп давом этмайди, тезда ҳамал кўёши заминни қиздириб юборади.

«Ҳамал йиғлоқ, савр қурғоқ», деган мақол ҳам бор. Сабаби, бу ойда ёғингарчилик кўп бўлади. Ёмғир билан заминимизга кутбароқа ёғилади.

Йил бошида яхши ниятлар қилайлик: илоҳим, кўкламу ёз, қузини берсин. Бошланган кишлоқ ҳўжалиғи йили муваффақиятларга бой бўлсин.

Р. САИДОВ.

«МАКСАМ-ЧИРЧИҚ» ОАЖ

Жамоаси

юртдошларимизни

Наврўзи

амал билан самимий муборакбод этади!

Юртимизга тинчлик, барга-баргаларингизга сизаёт-саломатлик, бахт-саодат тилаб, эзиз ниҳтларингиз амалга ошишни истайди!

Бепул тарқатамиз!

БОНУС

Баҳорий

Йил охиригача!

1000 дақиқа бепул сузлашувлар

Ўзбекистон бўйлаб ЧЕКСИЗ SMS!

2000 дақиқа бепул сузлашувлар

50% чегирма

Интернет 250 Мегабайт

ЎЗ БОНУСИНГИЗНИ ОЛИШГА ШОШИЛИНГИ!

Хизматлар лицензияси ва Мақсулотлар сертификатланган.

Батафсил маълумотлар компания офисларида ва www.cdma.uz сайтида

ISO 9001:2000

(8371) 305-1111

Perfectum Mobile

Dreams Come True!

«ROKA COMPANY» УРУҒЧИЛИК КОМПАНИЯСИ

Янги мавсум учун Испаниядан келтирилган юқори ҳосилдор маккажўхори уруғларини таклиф қилади.

Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киртилган.

Тел.: 257-44-01, 257-44-03, 100-83-13, 382-56-57.

«МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

2010 йилнинг II чорағида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

САРИЁҒ, I-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ҒЎШТИ.

Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Нибёбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.

Телефонлар: (8-371) 237-14-94, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

Тендер таклифларини қабул қилишининг сўнги муддати — 2010 йил 29 март соат 17.00 гача.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

236-09-25

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси «Toshkent» телерадиоканали давлат унитар корхонаси меҳнат фаҳрийси

Шоира МИРЗАКАРИМОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 64025 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлаемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.10 Топширилди — 21.00 1 2 3 4

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.

Навбатчи муҳаррир — А. Болдиев.

Навбатчи — Ф. Абдулов.

Мусасхўҳ — Ш. Машраббоев.